

ПАРЛАМЕНТЛАР СПИКЕР АЁЛЛАРИНИНГ 15-САММИТИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Парламентлараро Иттифоқнинг 150-ассамблеясида тақдим этилган “Гендер тенгликка эришамиз: ҳаракатлар кетидан ҳаракатлар!” шиори остида гендер тенгликни қўллаб-қувватлаш бўйича глобал кампанияни илгари сурган илк мамлакатлардан бири бўлгани алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, саммит давомида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ролини ўқайтириш, гендер тенглик ва тинчлик масалалари бўйича барқарор ҳамда мунтазам парламентлараро мулоқотни ривожлантиришга қаратилган таклифлар билдирилди.

«Халқ сўзи».

ОЛИЙ ТАЪЛИМ КОРРУПЦИЯСИЗ ТИЗИМГА АЙЛАНМОҚДА

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори Акмал Бурҳонов ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Қўнғиротбой Шарипов иштирокида олий таълим тизимида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасининг ижроси муҳокама қилинди. Унда Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Абдулҳаким Эшмуратов ҳам иштирок этди.

Муҳокама

Таъкидланганидек, лойиҳа доирасида “Олий таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизими” (НЕМИС) жорий этилиб, 35 турдаги маълумотлар рақамлаштирилган.

“my.edu.uz” ва “my.uzbmb.uz” ахборот тизимлари жорий этилиши натижасида абитуриентларнинг вақтини тежаш, харажатларини қисқартириш ҳамда ортиқча бюрократик тўсиқларнинг олдини олишга эришилиб, кириш имтиҳонларининг онлайн трансляцияси йўлга қўйилган.

Муҳокама жараёнида юқорида тилга олинган ижобий ишлар билан бир қаторда лойиҳани амалга оширишда кузатилаётган айрим камчиликларни бартараф этиш юзасидан ўзаро ҳамкорликдаги вазифалар ҳам белгилаб олинди.

Жумладан, олий таълим муассасаларида коррупцияга мойил бўлган лавозимлар рўйхатини шакллантириш ва ушбу лавозимлар-

да ишловчи шахсларни ҳар 3 йилда ротация қилиш тартиби ишлаб чиқилади.

Шунингдек, барча таълим муассасасида қуйи ва ўрта бўғиндаги бўш лавозимларга очик танлов тизими амалиётга жорий этилади ҳамда таълим муассасаларидаги бўш иш ўринлари учун “vacancy.edu.uz” платформаси орқали онлайн ҳужжат топшириш жараёни қатъий назоратга олинади.

Олий таълим муассасаларининг “комплаенс-назорат” тузилмалари ҳодимларини ректорлар қарамоғидан чиқариб, тўғридан-тўғри вазирликка бўйсундириш амалиёти йўлга қўйилди.

Давлат харидлари соҳасида харид иштирокчиларини текшириш ва баҳолаш самарадорлиги оширилади.

Муҳокама давомида масъулларга бир қатор амалий тавсия ва кўрсатмалар берилди.

«Халқ сўзи».

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Худудий вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш маркази томонидан Тошкент шаҳри ва туманлари халқ депутатлари Кенгашлари депутатлари учун “Маҳаллий Кенгашлар фаолиятини намунавий ташкил этишнинг устувор йўналишлари: муаммо ва ечимлар” мавзuida семинар ташкил этилди.

Семинар

Семинарда маҳаллий бюджет, тадбиркорликни ривожлантириш ва иқтисодий ислохотлар, коррупцияга қарши курашиш ва хавфсизлик, ижтимоий соҳа, ёшлар сиёсати, маданият ва спорт, аграр соҳа, сув ҳўжалиги ва экология каби йўналишлардаги доимий комиссиялар фаолияти бўйича тажрибалар тақдим этилди. Шунингдек, Кенгаш котибиятлари томонидан Кенгаш ишларини ташкилий-техник жиҳатдан бошқариш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Тадбир давомида маҳаллий Кенгашлар фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий ва услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, норма ижодкорлигини самарали ташкил этиш, қарорлар қабул қилишда қонунийликни таъ-

минлаш, маҳаллий бюджет ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини шакллантириш ҳамда ижросини назорат қилиш, ижроия ҳокимият органлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, режалаштириш ва ҳисобот юритиш масалаларида алоҳида эътибор қaratилди.

Шу билан бирга, депутатларнинг “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликдаги фаолияти, эксперт гуруҳлари, ёшлар маслаҳат гуруҳлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш тажрибаси юзасидан фикр алмашилди.

Маҳаллий Кенгашлар фаолиятини рақамлаштириш, “Е-Kengash” тизимидан самарали фойдаланиш ва оммавий ахборот воситалари билан ишлашдаги замонавий ёндашувлар ҳам муҳокама қилинди.

«Халқ сўзи».



МАЛАКАЛИ ЮРИДИК ЁРДАМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ



Йиғилишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан маҳаллий Кенгаш раиси ва ҳоким лавозимлари бир-биридан ажратилганлиги сабабли амалдаги 9 та кодекс ва 71 та қонун қайта кўриб чиқилиб, уларда назарда тутилган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вазифа ва функциялари “Кучли Кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким” тамойили асосида вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасида қайта тақсимланмоқда.

Шунингдек, маҳаллий Кенгашлар-

“Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасига кўра, “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари талабномаси асосида маҳаллий меҳнат органларига рўйхати тақдим этилган тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган тегишли билим ва кўникмаларга эга бўлган хотин-қизларнинг иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олиниши белгиланмоқда”.

га ҳокимликларнинг 28 та ваколати ҳамда қонун ҳужжатларида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига умумий берилган ваколатларнинг аниқлаштирилиши натижасида яна қўшимча 33 та, жами 61 та ваколат ўтказилмоқда.

Хусусан, маҳаллий вакиллик органларига жойларда ривожланишининг асосий йўналишларини белгилаш, комплекс дастурларни тасдиқлаш, қонунийликни таъминлаш борасидаги кенг ваколатлар юклатилмоқда.



Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига эса қабул қилинган қонун ҳужжатлари, дастурлар ижро-

ва тартибига, ёнгин ҳамда бошқа favқулodда вазиятларнинг келиб чиқишига юқори даражада таҳдид туғдираётганини таъкидлади. Қонун лойиҳаси эса пиротехника буюмлари муомаласи соҳасида давлат назорати ва таъсир чораларининг самарадорлигини ошириш, ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ундан жабрланиш ҳолатларини бартараф этишга ҳуқуқий асос яратишни айтди.

Йиғилишда қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор саволлар кўтарилди. Берилган жавоблардан сўнг лойиҳа қўллаб-қувватланди.

“Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ҳам атрофлиқа кўриб чиқилди. Хусусан, унга кўра “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари талабномаси асосида маҳаллий меҳнат органларига рўйхати тақдим этилган тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган тегишли билим ва кўникмаларга эга бўлган хотин-қизларнинг иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олиниши белгиланмоқда.

Мунозараларда депутатлар қонун

лойиҳасининг аҳамияти ва зарурати-га эътибор қаратиб, унда назарда тутилётган айрим нормалар бўйича қонун ташаббускорларига қатор саволлар берди.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида кам таъминланган шахсларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда инсоннинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг малакали юридик ёрдам олишга бўлган ҳуқуқлари кафолатларини кучайтиришга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, фуқароларга Конституция билан кафолатланган малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқидан тўлиқ фойдаланиш имконияти яратилди.

Маъкур қонун билан умумий юрисдикция судларида давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифаси белгилаб қўйилган. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, кам таъминланган шахслар Конституциявий судга мурожаат қилганда уларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш амалдаги қонунларда тартибга солинмаган.

Қонун лойиҳаси билан эса Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига кам таъминланган шахсларга ўзига нисбатан қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисида Конституциявий судга мурожаат этганда давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ САМАРАДОРЛИГИ УЧУН МАСЪУЛМИЗ

Мамлакатимизда юртдошларимизнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши, меҳнат қилиши, тиббий ва ижтимоий хизматлардан фойдаланиши, уй-жойли бўлиши учун устувор вазифалар белгиланиб, катта ресурслар йўналтирилмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг самарадорлигини оширишни муҳим деб ҳисоблайди ҳамда ўз фаолиятида доим шу мақсадга интилади.

Сарҳисоб

Сўл қанот партия фракцияси сифатида фаолиятимиз давомида ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг ҳаётий эҳтиёжлари билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш, аҳолини кафолатли даромад манбаи билан таъминлаш бўйича чоралар кўришда фаол қатнашишга интилоқдамиз.

Партия электорати овозини парламент ва ҳукуматга етказиш, уларнинг манфаатларини самарали ҳимоя қилиш ҳамда мамлакатда кучли ижтимоий сиёсатни давом эттириш мақсадида Халқ демократик партияси фракцияси ўзини парламентдаги муҳолифат фракцияси деб эълон қилди. Бу эса қонун лойиҳаларини танқидий кўриб чиқиш, муқобил таклифлар киритиш ва ҳукумат фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш, электоратни ўйлантираётган масалаларни депутатлик назорати тартибида ўрганиш каби ваколатларимиз кенгайиб, аҳоли фаровонлигини таъминлаш борасидаги дастурий мақсадларимизни янада кенгроқ ифода этишга замин яратди.

Парламентда партияимиз фракциясининг муҳолифат сифатидаги позицияси ҳар бир депутат, ҳар бир вакилимиздан таҳлилий-танқидий ёндашувни, аниқ таклифлар ва амалий ечимлар беришни, шу орқали таъсирчан сиёсий иштирокни талаб қилади.

Қонун ижодкорлиги ва электорат манфаати

Фракция томонидан партияимиз сайловолди дастурида

илгари сурилган ғоя ва ташаббусларни амалга ошириш, ижтимоий соҳага доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, сайловчилар билан мулоқотни кучайтириш, жойларда фуқароларни ўйлантириб келаётган тизимли муаммоларни таҳлил қилиб бориш, ижро органлари фаолияти устидан парламент назоратини ўрнатиш бўйича муайян ишлар бажарилди.

Таъкидлаш жоизки, 2025 йил ЎзХДП фракциясининг қонун ижодкорлиги бўйича амалий ишлари билан бошланди. Хусусан, партия сайловолди дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида фракциянинг қонун ижодкорлиги йўналишидаги режаси тасдиқланди.

Фракцияимиз аъзолари жорий йилнинг олти ойида қўмиталар билан ҳамкорликда 5 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилишида ҳамташаббускор бўлди.

Шунингдек, қонун лойиҳаларининг халқчиллиги ва кейинчалик тўғридан-тўғри ишлашига эришиш мақсадида улар “марказ — вилоят — туман” тизими асосида партия кўйи бўғинларида ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларида муҳокама қилинмоқда, ҳаётий таклифлар олинмоқда. Хусусан, фракция томонидан партия билан ҳамкорликда 20 га яқин қонун лойиҳаларининг жойлардаги муҳокамаси ташкил этилди. Уларда партия фаоллари ва кенг жамоатчилик томонидан билдирилган 30 га яқин таклифлардан қонунларни такомиллаштириш жараёнида фойдаланилди.

Парламентдаги муҳолифат фракция сифатида қонун ижодкорлигида имкониятларимиз кенгайди. Партия электорати манфаатларига тўғри келмаган қонун лойиҳалари

фракцияимиз мажлисларида конструктив муҳокама қилиниб, улар қайта ишлашга қайтарилди. Фақат рад этиш билан иш битмайди, биз лойиҳаларни такомиллаштириш жараёнида бевосита иштирок этапмиз. Агар таклифларимиз ҳисобга олинмаса, позицияимизни охиригача ҳимоя қилаямиз.

Таҳлилларимизга кўра, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида (жамоа ва давлат ҳўжаликларида) ишлаб пенсияга чиққан шахслар, ўзгалар парварishi-га муҳтож ногиронлиги бўлган шахслар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий манфаатларини таъминлашда ўз ечимини кутаётган айрим муаммолар мавжуд.

Шундан келиб чиқиб, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуннинг айрим моддаларига ўзгартириш киритишга қаратилган қонун лойиҳаси билан пенсия тайинлашдаги айрим масалаларга енгиллик бериш кўзда тутилмоқда.

Дори воситалари рекламаси турли кўринишларда авж олаётгани, баъзи шифокорлар томонидан беморларга, асосан, қиммат дори воситалари тавсия қилинаётгани, улар нархлари сунъий ошиб кетаётгани, бундай салбий ҳолатлар барча юртдошларимизга зиён етказяётгани, айниқса, кам даромадли оилалар қийинчиликларга дучор бўлаётганини кузатиляпти. Ана шундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида қонун нормаларига ўзгартириш киритиш устида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Албатта, ҳали қонун ижодкорлиги масаласида амалга оширадиган ишларимиз кўп. Маҳалла ва округлардаги сайловчиларимизни ўйлантириб келаётган масалалар таҳлилий асосида қонун ташаббусларини кўпайтиришимиз зарур. Шунда ижтимоий масалаларни тизимли ҳал этишга эришамиз.

Таҳлил, сўров ва назорат

Ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан таъсирчан

парламент ва депутатлик назоратини ўрнатиш, Қонунчилик палатаси мажлисларида мансабдор шахсларнинг ахборотини эшитиш бўйича ташаббус билан чиқиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилди.

Жорий йилнинг олти ойида фракция аъзолари сайловчилар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва аҳоли мурожаатлари ҳамда жойлардаги учрашувларда кўтарилган масалалар юзасидан аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан мансабдор шахсларга 22 та депутат сўрови юборилди.

Фракция таклифига кўра сайловчиларни ўйлантириб келаётган тизимли муаммо ва камчиликларни ҳал этиш, жойларда қонунлар ва давлат дастурларининг ижросини таъминлаш, муҳим соҳа ҳамда тармоқларда амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини оширишга қаратилган “Ҳукумат соати” ўтказилиб, Қонунчилик палатаси мажлисида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг ахбороти эшитилди.

Фракцияимиз маҳаллий Кенгаш депутатлари билан бирга, ижтимоий муаммоларни ўрганишга, ечимлари бўйича таклифлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Масалан, қурилиш объектларида ишлаётган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва меҳнат хавфсизлиги бевосита ўрганиб чиқилди.

Асосий муаммо қурилиш ишларида юртдошларимиз, айниқса, ёшлар норасмий иш-

лаётганига гувоҳ бўлдик. Меҳнат шартномаси бўлмагандан кейин меҳнат хавфсизлиги ҳам катта сўроқ остида қоляпти. Бу борада асосий масъулият тадбиркор қурувчилар ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири зиммасида қоляпти. Биз ушбу масалада парламент муҳокамасини ўтказиб, муаммоларни ҳал қилишни режалаштириб олдик.

Масъулият — халқ ишончига муносиб бўлиш

Ўтган даврда фракция аъзолари сайлов округларидаги фаолияти давомида ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш, пенсия тайинлаш, таълимни ривожлантириш, аҳолини арзон уй-жой ва озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, сифатли ижтимоий, коммунал ва бошқа хизматлар кўрсатиш, бандлик, камбағалликни қисқартириш, Давлат бюджети ва ҳудудларда инвестиция дастурлари ижроси каби масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

Ҳисобот даврида фракция аъзолари сайловволари билан 606 та учрашув ўтказди. 450 га яқин аҳоли хонадонлари ҳамда 651 та ижтимоий соҳа объектининг фаолияти билан яқиндан танишди. Ва фракция аъзолари 20 мингга яқин аҳоли вакиллари билан тўғридан-тўғри мулоқотлар ўтказди.

Ўрганишлар давомида аниқланган долзарб масалалар фракция мажлисларида муҳокама қилиниб, тегишли вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига таклифлар киритиб борилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги давр халқ ичида бўлиш, муаммоларни эшитишигина эмас, балки уларни ҳал этиш, ташаббус билан чиқиш, амалий фаолликни талаб қилади. Бу ўринда ҳар бир депутат халқнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи вакил эканини унутмаслиги лозимлигини алоҳида таъкидламоқчимиз.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари ўз олдига қўйган вазифаларда, энг аввало, ижтимоий тенглик, адолат ва инсонпарварлик тамойилларини устувор деб билади.

Улўтбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
Ўзбекистон Халқ демократик партияси
фракцияси раҳбари.

ЎЗГИ УНИВЕРСИАДА ЎЙИНЛАРИДА ТАРИХИЙ НАТИЖА



Вакилларимиз аралаш жамоавий дастур финалига бўлган тўқнашувларда Австралия, Корея Республикаси, Германия каби кучли терма жамоаларни мусобакадан чиқариб юборди. Н. Қосимхोजиев, Ш. Каримбоев, М. Мирабзалова ва Д. Азизова тўртлиги финалда Миср таэквондочиларини 2:1 (21:12, 8:18, 13:13) ҳисобида таслим

этиб, турнирнинг олтин медалига эга қилди. Бу таэквондочиларимизнинг мусобақа доирасидаги биринчи, Ўзбекистон делегациясининг эса учинчи олтин медалига айланди. Миллий терма жамоамизнинг 87 килограммдан юқори вазн тоифасидаги вакили Марат Мавлонов совриндорлар каторидан жой олди. У ҳал қилувчи финал беллашувида Ко-

рея Республикаси термаси аъзоси Канг Сангхюн билан баҳс олиб борди. Шиддатли руҳда кечган беллашувнинг илк раунди Маратнинг фойдасига яқунланди, бироқ кейинги икки раунд омадсиз кечди. Бу натижа Маратга кумуш медални тақдим этди. Шамсиддин Қурбонов, Нажмиддин Қосимхोजиев

Шарифа Давроновага насиб қилди. Уч ҳатлаб сакраш дастурида иштирок этган спортчимиз 14,33 метрга сакраб, фаолиятидаги энг яхши натижани қайд этди.

Сузиш беллашувларида Элдорбек Усмонов 50 ва 100 метрга баттерфляй усулидаги баҳсларда мос равишда кумуш ҳамда бронза медалларини қўлга киритди. Шунингдек, дзюдочиларимиз Лазиза Хайдарова (-48 кг.) ва Шукржон Аминова (-57 кг.) Бутунжапон ёзги универсиада ўйинларининг бронза медалига сазовор бўлди.

Ушбу натижа билан Ўзбекистон спорт делегацияси 113 давлат орасида умумжамоа ҳисобида 13-ўринни, Марказий Осиё давлатлари орасида 1-погонани эгаллади. Шундай қилиб, вакилларимиз универсиадалар тарихидаги энг яхши натижани қайд этди. Шунингдек, илк бор сузиш, бадий гимнастика ва энгил атлетика спорт турларидан медаллар қўлга киритилди.



Маълумот учун, 2013 йил Россиянинг Қозон шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжапон ёзги универсиада ўйинларида Ўзбекистон спорт делегацияси жами 19 та медални (2 та олтин, 7 та кумуш ва 10 та бронза) қўлга киритиб, яқунда умумжамоа ҳисобида 24-ўринни эгаллаган. 2019 йил Неаполь (Италия) шаҳридаги Бутунжапон ёзги универсиада ўйинларида эса Ўзбекистон спорт делегацияси томонидан жами 8 та медал (2 та олтин, 2 та кумуш ва 4 та бронза) қўлга киритилиб, умумжамоа ҳисобида 19-ўринни банд этган эди.

Суннатилла ИСЛОМОВ
(«Халқ сўзи»).

Фамхўрлик

Замонавий компьютер жиҳозлари карвони

Самарқанд шаҳрининг Кўксарой майдонида “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” номи компьютер жиҳозлари карвони саф тортиди. Гап шундаки, вилоятдаги умумтаълим мактабларининг барча компьютер хоналари хатловдан ўтказилиб, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан 135 та мактабга замонавий компьютер техникалари ажратилди.



Эътиборли жиҳати, ҳар бир жамламада 17 тадан компьютер бўлиб, уларнинг умумий сони 2 295 тани ташкил этади. Ёшларнинг замонавий билимларни эгаллашида бундай жиҳозларнинг ўрни катта.

— Бу янгиликни маънан эскирган компьютерлар мавжуд мактаблар жуда хурсанд қабул қилди, — деди Иштихон тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғи Гулчехра Саидмуродова. — Туманимиздаги ўрта мактабга бир комплектдан компьютер жиҳозлари берилди. Эндиликда ўқувчиларимиз улардан фойдаланиб ахборот технологиялари бўйича кўникмаларини янада мустаҳкамлайди.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

Янги автодром — маҳорат майдони

Ўзбекистон Республикаси мудофасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Ҳазорасп тумани ўқув-спорт техника клубига қарашли янги автодром фойдаланишга топширилди.

Кулайлик

Шу муносабат билан ўтказилган тadbирда сўзга чиққанлар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, қақирловчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлашди. Янги қуриб ишга туширилган автомобиль ўқув-маш майдони ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилади.

— Автомобилтранспорт ҳайдовчилари тайёрлаш мактабларида назарий билимлар ва амалий машғулотларнинг уйғунлигини таъминлаш мақсадида вилоятимизда инновацион технологиялар билан жиҳозланган учинчи автодромни ишга туширдик, — дейди “Ватанпарвар” ташкилоти Хоразм вилояти кенгаши раиси Давронбек Иброҳимов. — Шу билан бир қаторда, мазкур автомактаблар учун янги энгил ва юк автомобиллари харид қилинди. Амалий машқларни бундай шaroитларга эга автодромларда ўтказган ҳайдовчилар зарур кўникмаларга эга бўлади ва бу келгусида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга ёрдам беради.

Одилбек ОДАМБОВЕВ
(«Халқ сўзи»).



“Маҳаллада дув-дув гап” фильми қаҳрамони Меҳрихон ая айтганидек, бу тиниб-тинчиманг одамлар нимадани ўйлаб топишмайди-я. Қаранг, тепамизда чарақлаб турган қуёш нури электрга айланиб, тунларимизни ёруғ қилмоқда. Одатдаги ёритиш манбаи катта миқдордаги ресурслар ҳисобига ҳосил бўлишини инобатга олсак, Қуёш — беминнат қувват манбаи. У чарақлаб турса бас, шунинг ўзи кифоя. Юртимизда эса йилнинг 320 куни қуёшли. Бу катта имконият. Энди келинг, бир таҳлил қилайлик, офтобнинг беминнат нури бизга қанча фойда келтиряпти?

«Яшил» энергия

Биргина мисол. Сирдарё иссиқлик электр станциясида жорий йилнинг 6 ойида 934 минг кВт-соат электр энергияси иқтисод қилинди. Айтиш лозимки, ушбу тежалган қувват миқдори 4 673 та хонадоннинг мазкур манбага бўлган бир ойлик эҳтиёжини қоплади. Шунча энергия қуёш нури орқали ҳосил қилинган учун 260,3 минг кубометр табиий газ тежаб қолинди. Гап шундаки, бу натижага қўшувчи қувват манбаи бўлган бир ойлик эҳтиёжини қоплади. Шунча энергия қуёш нури орқали ҳосил қилинган учун 260,3 минг кубометр табиий газ тежаб қолинди. Гап шундаки, бу натижага қўшувчи қувват манбаи бўлган бир ойлик эҳтиёжини қоплади. Шунча энергия қуёш нури орқали ҳосил қилинган учун 260,3 минг кубометр табиий газ тежаб қолинди. Гап шундаки, бу натижага қўшувчи қувват манбаи бўлган бир ойлик эҳтиёжини қоплади.

Мана, кўрдингизми, офтобнинг беминнат нури қанча ресурсларни тежашга кўмак берапти. Фақат бу эмас, қуёш нури суви иситиб бераётгани ҳам тежамкорликда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунга умумий ҳажми 6 200 литр бўлган 31 та қуёш сув иситиш қурилмаси ўрнатилиши орқали корхонанинг асосий ва ёрдамчи биноларига жорий йилда 15 Гкалдан зиёд иссиқлик энергияси etkazиб берилганини мисол қилиб келтириш мумкин. Қолаверса, бунинг эвазига 2,4 минг кубометр табиий газ тежалганини айтмайсизми?

— Айни пайтда “яшил” энергия корхонамиз ходимларининг хонадонларига ҳам кириб бормоқда, — дейди Сирдарё ИЭС

бош директори Баҳром Собиров. — Шу йилнинг февраль ойидан бошлаб фойдасиз имтиёзли ссуда асосида жамоамиз аъзоларининг уйларига қуёш панеллари ўрнатиб бериш бошланган эди. Ҳозиргача 113 та хонадон ана шундай қулай ва узлуксиз энергия таъминотига эга бўлди. Демак, қуёшнинг беминнат нури хонадонларга қувват манбаи бўлиб кириб бормоқда.

Қайси соҳада ва қаерда бўлмасин, “яшил” энергиянинг фойдаси катта бўлмоқда. Яъни қуёш панеллари корхоналарга электр энергияси etkazиб бериш баробарида, у орқали ҳосил қилинган ортиқча қувват қўшимча даромад олинмоқда. Президентимизнинг тегишли қарорига мувофиқ жисмоний шахсларга ўз истеъмолидан ортиқча ишлаб чиқарилган қувват учун 1 кВт ҳисобига 1000 сўмдан субсидия тўлаб берилиши белгилангани ҳам “яшил” энергиядан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

— Қуёш панеллари ўрнатишни истаган юридик ва жисмоний шахслар учун кенг қўламли ёрдам кўрсатилмоқда, — дейди “Худудий электр тармоқлари” АЖ “Энергосавдо” филиали Сирдарё бўлиминининг қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобини юритиш бўлими бошлиғи Рустам Аноркулов. — Хусусан, техник шартлар ва лойиҳа-ҳужжатларини расмийлаштиришга кўмак ҳамда тармоққа ула-

ниш бўйича техник маслаҳатлар берилаётир. Аҳоли ва ташкилотларнинг ўзидан ортиган энергияни электр таъминоти корхонаси оширилган нарҳда харид қилади. Шу маънода айтиш мумкинки, қуёш панеллари 3-4 йилда унга сарфланган харажати оқлайди. Масалан, қуёш панелларидан фойдаланиш бошланган вақтдан буюн ўз истеъмолидан ортиганини ягона энергетика тармоғига узатган аҳоли ва юридик истеъмолчиларга қарийб 2 млрд. сўм тўлов амалга оширилди.

Қайта тикланувчи энергия манбаларининг жорий этиш борасида олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини баҳолашдан иборат. Йил бошидан буюн олиб боришган мониторинглар натижасида 596 та аҳоли хонадони, 334 та ижтимоий соҳа ва 246 та тadbиркорлик субъекти ҳамда 13 та кўп қаватли уйда ўрнатилган қуёш панеллари “Яшил энергия” платформасига киритилди. Жами бу объектларда 17,3 МВт қувватга эга қуёш панеллари ҳисобга олинди ва платформадан тасдиқланди.

Ишчи гуруҳ томонидан қуёш панелларининг афзалликлари, берилаётган имтиёз ва қулайликлар ҳақида аҳоли ҳамда тadbиркорлар ўртасида кенг камровли тарғибот ишлари олиб борилаётир. Серқуёш диёримиздаги бу табиий имкониятлардан самарали фойдаланиш эса бугунги куннинг энг муҳим вазифасидир.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи»).

Реклама

«Elektron Realtor» МЧЖ

тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкиллаштириладиган кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича ўтказиладиган савдога таклиф этади

“O‘zsanoatqurilishbank” ATB билан тузилган 2025 йил 18 июндаги №18-2025ER сонли шартномага асосан “O‘zsanoatqurilishbank” ATB балансида бўлган мулкларнинг қуйидагиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПК-142 сонли қарорига асосан сотувга чиқарилмоқда:

1. Юнусобод тумани, “Туркистон” МФЙ, Моикўрғон кўчаси, **276-277**-уйда жойлашган ҳовли-жой, бошлангич баҳоси **6 498,6** млн. сўм. Савдога қўйилган мулк билан

бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Савдода иштирок этиш учун талабормлар “**e-rieltor.uz**” платформаси орқали ариза беришлари мумкин.

Call-марказ: +99855-517-22-20. Расмий сайтимиз: **www.e-rieltor.uz**

ВОДИЙЛАРНИ ЯЁВ КЕЗГАНДА...

Риштонда «Туризм маҳалласи»

Риштон туманидаги Мамадали Топ-волдиев номидаги маҳаллага Фарғона водийсида илк бор “Туризм маҳалласи” мақоми берилди. Айтиш жоизки, бу масканда Халқаро кулчилик маркази, ҳунармандлар



расталари, оилавий меҳмон уйлари ҳамда ўнлаб туризм йўналишлари жойлашган. Энг муҳими, маҳаллада ҳунарнинг авлоддан-авлодга ўтиб келишини таъминлаётган сулолалар кўнчилиги ташкил этади.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тadbирда Бутунжапон ҳунармандлар кенгаши президенти Саад ал-Қаддуний, халқаро экспертлар, сайёҳлар, ҳунармандлар, тadbиркорлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Туризм қўмитасининг водий миқёсида мазкур йўналишдаги биринчи сертификати ўз эгаларига топширилди.

— Қўқон ва Марғилон шаҳридан кейин бизнинг худудга ҳам “Халқаро ҳунармандлар шаҳри” мақоми берилиши қутилмоқда, — дейди Риштон тумани ҳокими Баҳодиржон Холиқов. — Жорий йилнинг 19 — 21 сентябрь кунлари бўлиб ўтадиган Халқаро кулчолар форуми доирасида ушбу мақом ҳақидаги сертификати топшириш кўзда тутилган. Айни пайтда туманга ҳар йили 300 минг нафар маҳаллий ва хорижий сайёҳ ташриф буюрмоқда.

«TalabaExpo — 2025»

касб кўргазмаси

Фарғона шаҳрида вилоят ҳокимлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Савдо-санаят палатаси ҳамда “Ўзмилий банк” АЖ ҳамкорлигида битирувчилар учун касб кўргазмаси ташкил қилинди.



ҳақида батафсил маълумот берилди.

— “TalabaExpo — 2025” касб кўргазмаси давомида битирувчи ёшлар учун “Ўзмилий банк” АЖ томонидан “Келажакқа қадам”, “Хотин-қизлар тadbиркорлиги” каби дастурлар асосида таклиф этилаётган имтиёзли кредитлар бўйича тақдимотлар ўтказилди, — дейди вилоят Олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси бошлиғи Тўйчибой Бойматов. — Шунингдек, вилоятдаги 300 дан ортиқ иш берувчи корхона-ташкilotлар ва тadbиркорлик субъектлари 2 мингдан зиёд бўш иш ўринларини тақдим этишди.

«Бунёдкор аёл» миллий форуми:

эътибор ва рағбат

Ислом Каримов номидаги вилоят театри-концерт саройида “Бунёдкор аёл” миллий форуми бўлиб ўтди.



Илк маротаба ўтказиладиган ушбу тadbир мустақиллигимизнинг 34 йиллиги муносабати билан “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деган ҳаёбахш ғоя остида ташкил қилинди. Унда шаҳар-туман ҳокими ўринбосарлари, фаол аёллар, тadbиркорлар, “аёллар дафтарига” киритилган хотин-қизлар вакиллари иштирок этди. — Вилоятда ижтимоий дафтарларга киритилган опасингилларимиз билан ишлашда ўзига хос таърибга эга мактаб шаклланди, — дейди Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари Комила Кавлонова. — Хусусан, биргина “аёллар дафтари” билан ишлаш жараёнида юз минглаб хотин-қизлар бандлиги таъминланди. Айни жараёнда ҳар бир маҳалла, оила кесимида тизимли ишларни ташкил этиш ҳамда хотин-қизлар фаоллигини ошириш доимий вазифаларимиз сирасига киритилган. Бугунги тadbир ҳам шу йўналишдаги эътибор ва рағбат намунаси.

Тadbирда Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров, Бош вазир ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Зулайхо Маҳмадова қатнашди.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Халқаро муносабатлар, таъқиқ иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси қўмитала доимий асосда ишловчи сенатор Жамила Холмуродова Бобаназаровага укаси Ботир Холмуродович АХМАТОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Бадий академияси жамоаси Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, “Меҳнат шухрати” ордени соҳиби, таниқли хаттот

Салимжон БАДАЛБОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Фотосуратлар уйида «Дўстлик нигоҳи» номли қардош халқлар фотосуратлари кўргазмаси очилди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 11 875 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетанинг ҳақиқатий маълумотларини юқиб олиш учун ОА-хотини телефонининг орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

Тахриратта келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг etkazиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахриратта компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Набатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.20 Топширилди — 00.05 1 2 3 4 5 6